


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 -сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби 440 000 - Ветеринария таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т.р.	бет
1. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> таълим йўналиши бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг объектлари	5
1.2.3. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория иши</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари	5
1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари	6
2. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1. Умумий компетенциялар	7
2.2. Касбий компетенциялар	7
2.3. Касбий квалификациялар.	7
3. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	7
3.1. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар	7
3.2. 5440300 - <i>Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	8
Библиографик маълумотлар	9

1. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кредит-модуль тизимининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси), “ветеринария врачлари” квалификацияси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши

Малака талаби **5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шакслар.

1.2. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи:

1.2.1. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари – ветеринария соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ветеринария ташкилотларида меҳнат фаолиятини ташкил этиш, меҳнатни меъёрлаш, эпизоотик барқарорликни таъминлаш, ташхис марказларида инфекция касалликлар лаборатория диагностикаси бўйича диагностик текширишлар режасини тузиш, натижаларини таҳлил қилиш, аҳолини зооантропоноз касалликлардан ҳимоя қилиш ва олдини олиш бўйича зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, лойиҳалаш ва ташкил этиш, меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари, мўйнали, экзотик ва ёввойи ҳайвонлар, паррандалар, асаларилар ва балиқларга ветеринария хизмати кўрсатишни амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгартирилган киритилиши мумкин.

1.2.2. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ветеринария тизимидаги жараёнлар, Республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, ички ишлар, муҳофаа вазирликлари, божхона қўмитаси идоралари, давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорат бошқармаси, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалари сифати ва муомиласининг назорати бўйича давлат илмий маркази, кинология марказлари, вилоят ветеринария бошқармалари, шаҳар ва туманларнинг ветеринария бўлимлари, республика, вилоят, туман ва шаҳарларнинг ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш ва озик-овқат хавфсизлиги давлат марказлари ҳамда нодавлат ветеринария ташкилотлари;

- зооветеринария шахобчалари, ветеринария участкалари ва пунктлари, давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорат пунктлари, ветеринария клиникалари, бўлимлари, бошқармалари, ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари, ветеринария соҳасига тегишли дори-дармонлар ва даволаш воситалари, ветеринарияда ишлатиладиган лаборатор, диагностик ва даволаш асбоб-ускуналари, илмий-тадқиқот жараёнлари;

- давлат, акционерлик ва хусусий компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари, иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларида бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари.

1.2.3. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий билимларни қўллаш орқали бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалари ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантани танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулудда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган иқтисодиёт соҳаларини камраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- ветеринария объектларида стратегик ва операцион бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари, мўйнали, экзотик ва ёввойи ҳайвонлар, паррандалар, асаларилар, балиқлар ва бошқа ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари режасини тузиш ва назорат қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ветеринария-санитария экспертизасини амалга ошириш укувига эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари, мўйнали, экзотик ва ёввойи ҳайвонлар, паррандалар, асаларилар, балиқлар ва бошқа ҳайвонларнинг инфекцион, инвазион ва юқумсиз касалликларининг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиш.

2.3. Касбий квалификациялар.

Ветеринария врач-эпизоотолог, ветеринария врач-серолог, ветеринария врач-токсиколог, ветеринария, ветеринария врач-рентгенолог, ветеринария врач-патоморфолог, ветеринария-санитария эксперти, ветеринария врач-бактериолог, ветеринария врач-вирусолог, квалификацияларга эга бўлиш.

3. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътилар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5440300 - Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун	Кечки таълим шакли учун	Сиртки таълим шакли учун
Назарий ва амалий таълим	40-60 %	40-60 %	40-60 %
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	50:50	15-35 %	25-45 %
Аттестация	6-8 %	6-8 %	6-8 %
Таътил	10-30 %	10-30 %	10-30 %
Малакавий амалиёт	15-30 %	15-30 %	15-30 %
Битирув малакавий иши	2-7 %	2-10 %	2-10 %

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият тури, кредит, модуль, бакалаврият, ўқув режа, фан дастури, ўқув жараёни, малакавий амалиёти, битирув малакавий иш, баҳолаш, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, таълим сифати назорати, профиль, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот жараёнлари, ветеринария таълим соҳаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, ветеринария ва чорвачилик ривожлантириш бўлимлари, хайвонлар касалликларига ташхис қўйиш ва озик овқат хавфсизлиги давлат маркази, ветеринария шахобчалари, зооветеринария пунктлари, профилактика, диагноз қўйиш, даволаш, қишлоқ хўжалик хайвонлари, уй хайвонлари, мўйнали хайвонлар, паррандалар, балиқлар, асаларилар, экзотик ва ёввойи хайвонлар, юқумсиз касалликлар, инфекцион касалликлар, паразитар касалликлар, диагностик асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, даволаш воситалари, биопрепаратлар.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Ректор  Х.Б. Юнусов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази


Директор  З.Т.Хакимов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси

Раис  Б.Т.Норқобилов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Тошкент давлат аграр
университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Ветеринария илмий-тадқиқот
институти

Директор  Б.А.Элмуродов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



**Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ишлаб чиқилган
бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг
ўқув режа ва малака талаблари лойиҳаларини турдош ОТМ
Тошкент давлат аграр университети билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Самарқанд шахри

27 июль 2020 йил

Раис: А.А.Элмуродов – Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ўқув ишлари бўйича проректори в.в.б, к.х.ф.д., доцент.

Котиб: Б.С.Яхяев - таянч ОТМ кенгашининг котиби.

Қатнашдилар: Самарқанд ветеринария медицинаси институтидан: ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б, к.х.ф.д., доцент А.А.Элмуродов, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, профессор А.С.Даминов, ўқув-услугий бошқарма бошлиғи, доцент Р.Ф.Рўзикулов, факультет декани, доцент Ҳ.Б.Ниёзов, факультет декани Р.Б.Давлатов, ўқув ишлари бўйича декан муовини С.Ф.Холиқов, кафедра мудирлари: профессор Н.Б.Дилмуродов, доцент Б.Д.Нарзиев, доцент Ш.Н.Насимов, доцент Н.Б.Рўзикулов, доцент, в.ф.д. Ю.С.Салимов, доцент Д.Э.Эшимов, доцент З.Ж.Шапулатова, доцент Т.И.Тайлоқов, профессорлар: Қ.Н.Норбоев, У.К.Избасаров, Х.С.Салимов, Б.Б.Бакиров, в.ф.д., доцент Б.М.Эшбуриев, доцентлар: Н.О.Фармонов, Х.К.Бозоров, П.С.Хақбердиев, С.М.Муродов, Б.А.Кулиев, кенгаш котиби, доцент Б.С.Яхяев.

Турдош ОТМ Тошкент ДАУдан: ўқув ишлари бўйича проректор, к.х.ф.д. С.Я.Исломов, ўқув-услугий бошқарма бошлиғи, доцент М.Атабоев, “Умумий зоотехния” кафедраси доценти, в.ф.н. М.Ғойибова, к.х.ф.н., О.Шарипов, ассистент Б.Ўлмасов, жами 30 киши.

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3703-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарорлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 августдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 476-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ижодий ишчи гуруҳлари томонидан кредит-модуль тизими асосида тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси.

Эшитилди:

А.А.Элмуродов - Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ўқув ишлари бўйича проректори в.в.б, к.х.ф.д., доцент. Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ана шу ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза билдириб, таклифлар беришларини сўради.

Сўзга чиқдилар:

1. Р.Ф.Рўзикулов – Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, доцент. Институтимиз “Ветеринария” ва “Зоотехния” таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги магистратура мутахассисликлари бўйича таянч ОТМ ҳисобланади. Шунинг учун, институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан 14 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда улар негизидаги 17 та магистратура мутахассисликларининг кредит-модуль тизими асосида Малака талаблари ва ўқув режалари тайёрланди. Ушбу жараёнга институт профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда турдош ОТМ – Тошкент ДАУдан доцент, в.ф.н М.Ғойипова, к.х.ф.н., О.Шарипов ва Б.Ўлмасовлар ҳам жалб этилди. Хориж давлатларнинг бу соҳадаги тажрибалари ва кадрлар буюртмачиларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари ўрганилди. Шунинг учун ушбу Малака талаблари ва ўқув режаларини ОЎМТВ томонидан тасдиқлаш ва келишиш учун тавсия қилишларингизни сўрайман.

2. Қ.Н.Норбоев - профессор. Институтимизда ветеринария ва чорвачилик соҳаларининг энг етук профессор-ўқитувчилари фаолият юритишмоқда. Ҳозирги кунда ветеринария ва чорвачилик соҳаларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, мутахассислар тайёрлашнинг долзарб масалалари, муаммо ва ечимларининг аксини топган ҳолда кредит-модуль тизимига асосланган ушбу МТ ва ЎРлар тайёрланди. Сизлардан институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган МТ ва ЎРларни ОЎМТВ томонидан тасдиқлаш ва келишиш учун тавсия қилишларингизни сўрайман.

3. С.Я.Исломов - ТошДАУнинг ўқув ишлари бўйича проректори, к.х.ф.д., профессор. Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан кадрлар истеъмолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар, кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган 14 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда улар негизидаги 17 магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган Малака талаблари ва ўқув режалари Республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларига мос равишда тайёрланган. Хориж давлатларининг бу соҳадаги бакалавр ва магистрлар тайёрлашда мавжуд МТ ва ЎР ўрганилган. Турдош бўлган бизнинг университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан берилган таклифлар инобатга олинган. Ушбу МТ ва ЎР ОЎМТВ томонидан тасдиқлаш ва келишиш учун тавсия қилишларингизни сўрайман.

3. М.Э.Ғойибова - ТошДАУнинг доценти, ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори. Таянч Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессор ўқитувчилари томонидан кредит-модуль тизими асосида тайёрланган 14 бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда улар негизидаги 17 магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари ва ўқув режалари бугунги кунда Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш талабларига тўлиқ жавоб беради. Чунки унда ветеринария ва чорвачилик соҳаларини қамраб олган фанлар киритилган ҳамда таклифлар эътиборга олинган. Мен ҳам ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларни ОЎМТВ томонидан тасдиқлаш ва келишиш учун тавсия қиламан.

4. Йиғилишда, шунингдек, профессорлар Қ.Н.Норбоев, Б.Бакиров, доцентлар Н.Фарманов, Қ.Ҳайдаров, Б.Яхяевлар сўзга чиқиб, кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалар ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда уларни ОЎМТВ томонидан тасдиқлаш ва келишиш учун тасдиқлашга тавсия қилишдилар.

5. А.А.Элмуродов. Институтда кадрлар истеъмолчилари, хорижий тажрибалар ва кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган ва муҳокама қилинган 14 бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда улар негизидаги 17 магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари ва ўқув режаларини ОЎМТВда ташкил қилинган ишчи гуруҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3703-сонли, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сонли, 2020 йил 12 июндаги ПҚ-4749-сонли қарорлари, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 августдаги 476-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан кадрлар буюртмачилари талаблари ва хорижий тажрибалар ҳамда кредит-модуль тизими асосида қуйидаги 14 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда улар негизидаги 17 та магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди:

№	шифр	Таълим йўналишлари
1	5440100	Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича)
2	5440100	Ветеринария медицинаси (йирик шохли моллар касалликлари)
3	5440200	Ветеринария фармацевтикаси
4	5440300	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
5	5440400	Ветеринария санитария экспертизаси
6	5410600	Зооинженерия (турлари бўйича)
7	5410600	Зооинженерия (қоракўлчилик)
8	5410600	Зооинженерия (йилқиччилик ва туячилик)
9	5410600	Зооинженерия (балиқчилик)
10	5410600	Зооинженерия (асалариччилик)
11	5410200	Агрономия(ем-хашак экинлари)
12	5411300	Ўсимликшунослик (яйлов чўл ўсимликишунослиги)
13	5411400	Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси
14	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
№	шифр	Таълим мутахассисликлари
1	5A440101	Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
2	5A440102	Ветеринария жарроҳлиги
3	5A440103	Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси
4	5A440105	Ветеринария санитарияси, ветеринар-санитарлик экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси
5	5A440107	Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунологияси
6	5A440108	Ҳайвонларнинг паразитли ва юқумли касалликлари
7	5A440115	Фавкуллда вазиятларда ветеринария назорати ва жамоат саломатлигини сақлаш
8	5A410601	Паррандачилик
9	5A410602	Қоракўл кўйлари селекцияси
10	5A410603	Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонот турлари бўйича)
11	5A410604	Чорвачилик
12	5A410605	Наслчилик
13	5A411401	Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ҳамда инновацион технологияси ва сертификацияси
14	5A411402	Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш
15	5A320501	Биотехнология (ветеринария бўйича)
16	5A320501	Биотехнология (чорвачилик бўйича)
17	5A320501	Биотехнология (ўсимликишунослик бўйича)

**Самарқанд ветеринария медицинаси институти бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида
КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Самарқанд шаҳар

27 – июль 2020 йил

Биз қуйида имзо қўювчилар:

- **кадрлар истеъмолчилари:** Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобилов, Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг директори Б.Элмуродов, Тошкент давлат аграр университетининг ўқув ишлари бўйича проректори С.Исломов,

- **ишлаб чиқувчилар:** Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ўқув ишлари бўйича проректори в.в.б А.Элмуродов, “Ветеринария профилактикаси ва даволаш” факултети декани Х.Ниёзов, “Ветеринария диагностикаси ва озик-овқат хавфсизлиги” факултети декани Р.Давлатов, “Зооинженерия” факултети декани Э.Шаптақовлар институтда кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган қуйидаги 14 та бакалавриат таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги 17 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларининг таркиби билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:


№	шифр	Таълим йўналишлари
1	5440100	Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича)
2	5440100	Ветеринария медицинаси (йирик шохли моллар касалликлари)
3	5440200	Ветеринария фармацевтикаси
4	5440300	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
5	5440400	Ветеринария санитария экспертизаси
6	5410600	Зооинженерия (турлари бўйича)
7	5410600	Зооинженерия (қоракўлчилик)
8	5410600	Зооинженерия (йилқиччилик ва туячилик)
9	5410600	Зооинженерия (балиқчилик)
10	5410600	Зооинженерия (асалариччилик)
11	5410200	Агрономия(ем-хашак экинлари)
12	5411300	Ўсимликшунослик (яйлов чўл ўсимликшунослиги)
13	5411400	Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси
14	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
№	шифр	Таълим мутахассисликлари
1	5A440101	Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
2	5A440102	Ветеринария жарроҳлиги
3	5A440103	Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси
4	5A440105	Ветеринария санитарияси, ветеринар-санитарлик экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси
5	5A440107	Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунологияси
6	5A440108	Ҳайвонларнинг паразитли ва юкумли касалликлари
7	5A440115	Фавқулдда вазиятларда ветеринария назорати ва жамоат саломатлигини сақлаш
8	5A410601	Паррандачилик
9	5A410602	Қоракўл қўйлари селекцияси
10	5A410603	Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, қўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонот турлари бўйича)
11	5A410604	Чорвачилик

12	5A410605	Наслчилик
13	5A411401	Чорвачилик махсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ҳамда инновацион технологияси ва сертификацияси
14	5A411402	Қоракўлчилик махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш
15	5A320501	Биотехнология (ветеринария бўйича)
16	5A320501	Биотехнология (чорвачилик бўйича)
17	5A320501	Биотехнология (ўсимлиқшунослик бўйича)


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3703-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарорлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 августдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 476-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти томонидан кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган 14 та бакалаврият таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги 17 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларида хорижий тажрибалар ва кадрлар истеъмолчиларининг олий малакали кадрларга қўядиган талаблари ҳамда таклифлари инобатга олинган.

2. Кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ОЎМТВ томонидан тузилган ишчи гуруҳ вакиллари томонидан экспертизадан ўтказиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиш учун тавсия этамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария
ва чорвачиликни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**


Б.Норқобилов


**Ветеринария илмий-тадқиқот
институтининг директори**


Б.Элмуродов

**Тошкент давлат аграр университетининг
ўқув ишлари бўйича проректори**


С.Исломов

**Самарқанд ветеринария медицинаси
институтининг ўқув ишлари
бўйича проректори в.в.б.**


А.Элмуродов

**Ветеринария профилактикаси
ва даволаш факултети декани**


Х.Ниёзов

**Ветеринария диагностикаси ва
озик-овқат хавфсизлиги факултети декани**


Р.Давлатов

Зооинженерия факультети декани


Э.Шаптақов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим йўналишлари бўйича
ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг
“Ветеринария медицинаси ва чорвачилик” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг
4 - сон БАЁНИ

31 - июль 2020 йил.

Самарқанд шаҳри

Қатнашдилар: “Ветеринария
медицинаси ва чорвачилик” ўқув-
услубий бирлашмасининг 15 аъзоси

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3703-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарорлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 августдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 476-сон қароридан белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар ҳамда кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди:

1. Юнусов Х.Б. – “Ветеринария” ўқув-услубий бирлашмаси раиси, профессор. Хурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни бирлашма котиби Р.Ф.Рўзикуловга берсак. Марҳамат.

2. Рўзикулов Р.Ф. – “Ветеринария” ўқув услубий бирлашмасининг котиби, доцент. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3703-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4254-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарорлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 августдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 476-сон қароридан белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида институтда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қуйидаги 14 та таълим йўналишлари ва 17 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар ҳамда кредит-модуль тизими асосида Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилди:

№	шифр	Таълим йўналишлари
1	5440100	Ветеринария медицинаси (фаолият турлари бўйича)
2	5440100	Ветеринария медицинаси (йирик шохли моллар касалликлари)
3	5440200	Ветеринария фармацевтикаси
4	5440300	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
5	5440400	Ветеринария санитария экспертизаси
6	5410600	Зооинженерия (турлари бўйича)
7	5410600	Зооинженерия (қоракўлчилик)
8	5410600	Зооинженерия (йилқиччилик ва туячилик)
9	5410600	Зооинженерия (балиқчилик)
10	5410600	Зооинженерия (асалариччилик)
11	5410200	Агрономия(ем-хашак экинлари)
12	5411300	Ўсимликшунослик (яйлов чўл ўсимликишунослиги)
13	5411400	Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси
14	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
№	шифр	Таълим мутахассисликлари
1	5A440101	Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
2	5A440102	Ветеринария жарроҳлиги
3	5A440103	Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси
4	5A440105	Ветеринария санитарияси, ветеринар-санитарлик экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси
